

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Тарих фанлари*

**ХОНКЕЛДИЕВА Гўзал Шеровна**  
*И.ф.д., профессор,  
 Фаргона Политехника институту*

**КАРИМОВА Мухтасар Исроилжон кизи**  
*Тадқиқотчи, Фаргона Политехника институту*  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7622217>

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ: НАЗАРИЯ, МУАММОЛАР ЕЧИМИ, ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қурилиш материаллари корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнлари назария, муаммолар ечими, такомиллаштириш истиқболлари масалалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** таъсир этувчи омиллар, стратегик бошқарув, корхона фаолияти, ишлаб чиқариш қуввати, бошқарув самарадорлиги, ички ва ташқи омиллар, кўрсаткич, стратегия, баҳолаш, корхона барқарорлиги.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены теория, решение проблем и перспективы совершенствования процессов использования производственных мощностей на предприятиях строительных материалов.

**Ключевые слова:** влияющие факторы, стратегическое управление, деятельность предприятия, производственный потенциал, эффективность управления, внутренние и внешние факторы, показатель, стратегия, оценка, устойчивость предприятия.

### ANNOTATION

This article describes the theory, problem solving, and improvement prospects of production capacity utilization processes at building materials enterprises.

**Keywords:** influencing factors, strategic management, enterprise activity, production capacity, management efficiency, internal and external factors, indicator, strategy, assessment, enterprise stability.

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом-ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

а) 2019 - 2025 йилларда маҳаллий хом-ашё геология-қидирув ишларини олиб бориш, казиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом-ашё базасини кенгайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2019 – 2025 йилларда диверсификация қилиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари шакллантирилган [1]. Саноат корхоналари техник қайта жиҳозлаш кўп қиррали вазифалар ҳисобланади ва назарий билимларни талаб қилади, муаммолар, омиллар ва чекловларни малакали тизимлаштиришни, соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда янги ечимларни ўрганиш талаб қилади. Самарадорлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи кўплаб сабаблар ва омиллар билан ишлаб чиқариш тизимларини янгилашнинг асосий вазифалари қувватни оптималлаштириш ва технологик назоратдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, қурилиш материаллари маҳсулотларини ишлаб чиқаришда "оптималлаштириш" атамаси қатъий атама эмасдир бу берилган ва истиқболли ишлаб чиқариш дастури учун турли хил ишлаш кўрсаткичлари тўплами учун энг мувозанатли ечимларни излашни англатади. Умуман олганда, ишлаб чиқариш қуввати асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш ресурсларидан (майдон, энергия, хом-ашё, инсон меҳнати) фойдаланиш учун мавжуд шароитларда тегишли вақт ичида маҳсулотнинг максимал ишлаб чиқиш қуввати, маҳсулот сони билан белгиланади. Ишлаб чиқариш қувватларининг қийматига таъсир этувчи омилларнинг назарий томондан кўриб чиқиш ушбу кўрсаткичнинг вақт ўтиши билан сезиларли даражада ўсиш даражасини келтириб чиқаради, бу корхоналарни модернизатсия қилиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга [2].

1-жадвал

№	<i>Ишлаб чиқариш қувватларини таҳлил қилиш, бошқариш ва оптималлаштириш куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим</i>
1	Маҳсулот ишлаб чиқариладиган участкалар, сеҳлар, корхоналар ҳудудларида бўлиши.
2	Технологик қайта тақсимлаш (омбор ва логистика, харид қилиш, қайта ишлаш, йиғиш, синовдан ўтказиш ишлаб чиқарилган маҳсулотни техник баҳолаш.
3	Хом-ашё, тўлдирувчи қисмлар ва ишлаб чиқарувчи буюмлари (уларнинг хоссалари ва ҳолатининг барқарорлиги, етказиб беришнинг ўз вақтидалиги)
4	Ускуналар (ишлаб чиқаришнинг асоси) уларнинг сони ва техник даражасига кўра замонавий бўлиши
5	Замонавий ва асбоб-ускуналар мавжудлиги
6	Иш режими (смена вақтлари тўғри йўлга қўйилганлиги)
7	Кадрлар ва уларнинг малака даражаси
8	Меҳнат интенсивлиги меъёрлари
9	Барча ускунанинг ишлаш параметрлари созлиги
10	Халқаро ҳамкорлик ва алоқалар мавжудлиги.

*Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган*

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ва оптималлаштириш маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштирилган ва тартибланган бўлиши керак бўлган омиллар ва параметрларнинг тўғри йўналишини ўзгартириш асосида амалга оширилади. Бунинг учун корхоналарнинг малакали хўжалик экспертизаси ва технологик аудитини ўтказиш керак, бунда аудит объектларининг аниқ ва ўзаро боғлиқ рўйхатини танлаш керак. Қувватларни бошқариш усуллариининг турли соҳаларда қўлланилишига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарасига таъсир қилади, бу эса ушбу кўп қиррали муаммони ҳал қилишда ёндашувларни универсаллаштириш имкониятини чеклайди [3].

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларига таъсир этиш омилларини таҳлили замонавий шароитда тақсимланган ишлаб чиқариш тамойиллари асосида ишлайдиган чуқур корхоналарнинг қувватларини бошқариш вазифаси жуда ноаниқ. У маҳсулотнинг кўп миқдорда сотилиши айланишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Улар куйидагилардир:

- шартнома тузиш
- хом-ашёни харид қилиш
- этказиб бериш логистикаси
- маҳсулот ишлаб чиқариш
- синов
- қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш сифати ҳисобланади.

Тузилган шартномаларни мустақил бажариш имконини берувчи технологик қайта тақсимлашнинг тўлиқ рўйхатига эга бўлган ёпиқ сикл корхоналари фаолиятининг самарасизлиги яққол куришиб турибди. Бундай корхоналарнинг самарасизлигининг сабаблари ресурс ва энергияни кўп талаб қилувчи ускуналарни сақлаб қилиши юқори харажатлар ва асосий маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқаришнинг пастлиги ҳисобланади [4].

Ишлаб чиқаришда мавжуд муаммоларни ва қувватларни самарадорлигини оширишда қуйидаги йўналишларни кўриб чиқамиз.

- ишлаб чиқариш тизимларининг турли босқичларида қувватларни оптималлаштириш муаммосини тўғри ҳал қилиш учун уларни кўп даражали декомпозицияни қўллаш керак. Бу умумлаштирилган натижани олиш учун муайян ечимларни кейинчалик интеграциялашган ҳолда мураккаб муаммони ҳал қилишда соддалаштиришга имкон беради.

- замонавий саноатда ишлаб чиқариш қуввати оптималлаштириш муаммосидаги муаммоли масалалардан бири уларнинг оптималлигини аниқлашдан иборат тақсимланган ишлаб чиқариш тизимларида фойдаланиш ҳажми ва самарадорлиги маълум бир корхона қувватларини тақсимлаш нуктаи назаридан ишлаб чиқариш тизимининг приметри ноаниқлиги, қувватларни оптималлаштириш вазифаси стратегик бошқарув ва таркибий бошқарувнинг илмий методологияси ва воситаларига эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш билан ҳал қилиниши мумкин.

- асосий босқичи этказиб бериш хизматининг аниқлиги ва хом-ашё ҳамда қўшимчаларини этказиб бериш занжири аниқ бўлиши бизнес жараёнларининг тасодифийлигини ҳисобга олиб шакллантирилиши керак [5].

- имкониятларни оптималлаштириш вазифаси ресурслар ва инвентарларни бошқариш вазифалари билан кесишади. Бунинг учун биз ишлаб чиқариш қувватларини режалаштириш учун воситалардан ва йирик тизимларнинг бир қисми бўлган ахборот тизимлари орқали уларни юклаш самарадорлигини бошқариш воситаларидан фойдаланамиз [6].

Йилдан-йилга қурилиш материаллари саноати тараққий этиб бормоқда. Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида кўплаб саноат корхоналари фойдаланишга топширилмоқда, янги турдаги, инноватсион қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда, экспорт қўлами кенгаймоқда. Бу эса нафақат маҳаллий балки жаҳон бозорини замонавий, арзон, сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш имконини бермоқда. Шу боис тармоқни янада такомиллаштириш, соҳага хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, экспорт кўрсаткичларини ошириш ҳамда янги саноат корхоналарини ташкил этиш мақсадида 2022-2026 йилларда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

Унга кўра 2026 йилга бориб тармоқ бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 42,3 трлн сўмга этказиш ва бунда юқори қўшилган қийматли маҳсулотларнинг улушини 2016 йилдаги 32,3 фоиздан 53 фоизгача этказиш белгиланган. шунингдек, дастурга кўра 2026 йилга бориб қурилиш материалларининг экспорти 2021 йилга нисбатан 1,8 бараварга оширилади. Тармоқни ривожлантиришга 2,76 млрд долларлик инвестициялар жалб қилинади ёки жорий йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,7 бараварга оширилади.

Ушбу даврда маҳаллийлаштирилган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилдагидан 1,7 бараварга оширилиб 1,55 трлн сўмга этказилади. Натижада, асосий турдаги қурилиш материалларига бўлган талаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ қопланади.

Жумладан, газобетон, иссиқлик сақловчи изолятсия материаллари, қурилиш ойнаси, семент каби маҳсулотлар бўйича ички талаб қопланиб, маҳсулотларнинг бир қисми хорижга экспортга йўналтирилади. Натижада, нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорида ҳам “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги қурилиш материалларига бўлган талаб ортди. 2023-йилда ҳам вилоятда кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган саноат корхоналари ишга тушириш режалаштирилган. Хусусан, 12 млн доллар инвеститсия ҳисобига "Қувасойсемент" АЖда семент ишлаб чиқариш технологик линиясини янгилаш ва модернизатсия қилиш лойиҳаси фойдаланишга топширилади. "Фергана серамикс" МЧЖда эса Туркиянинг "Мармарис" компанияси билан ҳамкорликда йилига 3,6 млн дона санитар техник буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Вилоятнинг Фурқат туманида "БНБМ ПЛС" компанияси билан ҳамкорликда "БНБМ Буилдинг Материалс Сентрал Асиа" МЧЖ ХКда гипсокартон ва металл профиллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхона ишга туширилади. Лойиҳа қиймати 30 млн доллар бўлиб, бу ерда йилига 30 млн. м<sup>2</sup>, 425 минг тонна маҳсулот тайёрланади. Корхона сўнгги турдаги энергия тежамкор технологиялар билан жиҳозланади. “ЕСО Д ГРОУП” МЧЖда томонидан Қувасой шаҳри ва Тошлоқ туманида йиллик қуввати 42 минг тонна юза учун тошдан турли хил буюмлар ишлаб чиқарувчи корхона фойдаланишга топширилади.

Фарғона вилоятидаги саноат корхоналар фаолияти, амалга оширилаётган йирик инвеститсия лойиҳаларининг бугунги ҳолати билан жойларга чиққан ҳолда ўрганишди. Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорларни қийнаётган муаммолар, инвеститсия дастури доирасида амалга оширилиши кутилаётган ишлар “корхонабай” усулда тўлиқ ўрганилди, шу билан бирга керакли тавсия ва кўмаклар берилди. Мутахассислар дастлаб, Фурқат туманида барпо этилган йилига 30 млн.м<sup>2</sup> гипсакартон ишлаб чиқариш қувватига эга “Beijing New Building Materials Public Limited Company” МЧЖ да бўлишди. Бу ерда умумий қиймати 30 млн доллар бўлган лойиҳанинг тадбиқ этилиши билан яқиндан танишишди. Корхонада нафақат гипсокартон балки, гипс ва метал профиллар ҳам ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда лойиҳа доирасида жами 22,5 млн. доллар миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвеститсиялар злаштирилган. Мазкур ўзлаштирилган маблағларнинг 6,9 млн. доллари қурилиш ишларига, 13,0 млн. доллари дастгоҳлар учун ҳамда 2,6 млн. доллари бошқа харажатларга сарфланган. Ҳозирда ҳудудда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, бино-иншоатларда қурилиш ишлари 80 фоизга бажарилиб, ишлаб чиқариш линияларининг бир қисми ўрнатилди.

Корхона томонидан “Гипс ва гипсокартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топширилиши ҳамда 130 нафар янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ўрганишлар давомида уюшма мутасаддилари корхонанинг маҳсулот турлари, унинг сифати, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди. Шунингдек, ишчи гуруҳ “Кварс” АЖ да ҳам ташриф буюришди. Ишчи гуруҳ корхонадаги барча бўлимларда бўлиб, замонавий технологиялар асосидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, хом-ашё масаласи, эндиликда бу йўналишда амалга ошириладиган инвеститсия лойиҳалар бўйича таклиф ва муаммоларни тўлиқ ўрганди.

Ишчи гуруҳ Фарғона вилоятидаги тадбиркорлар ва саноат корхоналари мутахассислари билан учрашиб, амалга оширилаётган инвеститсия лойиҳаларини ўз муддатида ва сифатли ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларининг таҳлили бўйича ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш бўйича келишиб олишди.

Фарғона вилояти қурилиш материаллари саноати энг ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Боиси вилоят геологик жиҳатдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун кўплаб хом-ашёга бой саналади. Шунинг учун бу ерда бошқа ҳудудларга нисбатан саноат йил сайин ривожланиб бормоқда. Янги корхоналар фойдаланишга топширилмоқда, мавжудлари модернизатсия қилинмоқда, инвеститсия лойиҳалари амалга оширилмоқда. 2023-йилда ҳам вилоятда кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган саноат корхоналари ишга тушириш режалаштирилган [7].

1-жадвал

<b>Фаргона вилоятида январь-ноябрь ойларида қурилиш материаллари экспорти 2021-2022 йил.</b>				
шахар ва туманлар	2021		2022	
	корхона сони	минг Акш долл	корхона сони	минг Акш долл
Олтиарик			1	1,1
Куштөпа	4	43,8	1	7,8
Богдод	2	3,3	2	3,6
Бувайда			2	1,4
Бешарик	5	9,6	5	19,9
Кува	1	5,3	5	6,3
Учқурик	18	3093,0	24	6339,2
Риштон	6	39,5	4	35,1
Тошлок	4	22,8	3	35,9
Ўзбекистон	17	673,0	26	507,8
Фаргона туман	8	230,7	15	1045,9
Дангара	1	6,0	17	38,8
Фуркат			2	3,3
Фаргона шаҳар	28	275,8	21	503,0
Қукон шаҳар	11	96,7	15	1462,5
Қувасой	38	4226,8	26	6959,4
Маргилон	27	799,4	32	920,4
Жами вилоят	170	9525,4	201	17891,3

(жадвал муаллиф томонидан ўрганилган)

Қурилиш материаллари корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнлари назария, муаммолар ечими, такомиллаштириш истиқболлари ишлаб чиқариш тизимларининг қувватларини бошқариш вазифаси кўп қирралиги билан фанни талаб қилади. Такимилаштирилган ишлаб чиқариш тизимининг моделларида кўплаб таркибий ва параметрик омилларни ҳисобга олиш керак, бу унинг самарадорлигини тахмин қилиш имконини беради. Ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва корхоналарнинг фаолияти билан саноатнинг турли тармоқларида қувватларни бошқариш методологиясига жиддий ўзгартириш киритилади, бу эса ушбу кўп қиррали муаммони ҳал қилишда имкониятини беради.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4335-сонли ҳ23.05. 2019 йил кунги қарори.
2. Макаров В. М., Савинов Ю. И. Технологический контроллинг – ключевой фактор модернизации производств. – РИТМ, № 4, 2013, с. 30–34.
3. Макаров В. М., Лукина С. В., Лебедь П. А. Имитационное моделирование в задачах технологического инжиниринга. – РИТМ, № 2, 2012, с. 20–26.
4. Макаров В. М., Лукина С. В. Автоматизация как метод эффективного техперевооружения предприятий. – РИТМ, № 6, 2012 с. 20–23.
5. Фролов Е. Б. Эффективное управление производством. – РИТМ, № 10, 2013.
6. Макаров В. М., Лукина С. В. Программы развития – экспертный подход. – РИТМ, № 9, 2014, с. 19–23.
7. <https://uzsm.uz/uz/activities/production/>.